

N 1225. 28.09.13.

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani



Ўзбекистон Республикаси
Самарканд вилояти
Самарканд тумани

НОКИМИ

ХОКИМИ

КАРОР

003 yil "13" avgust

№ 799-К

“Худойор Ихом Jalil” масъулияти чекланган жамиятига қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлашга мўлжалланган музлатгич омборхонаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 21 июндаги 60-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2013 йил 29 апрелдаги 384-сонли хулосаси “Қишлоққурилишлойиха” масъулияти чекланган жамияти томонидан тасдиқланган 2013 йил 1 апрелдаги № 84-сонли баённомаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини ҳамда “Худойор Ихом Jalil” масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 21 июндаги 60-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Худойор Ихом Jalil” масъулияти чекланган жамиятига қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлашга мўлжалланган музлатгич омборхонаси қуриш учун жами 0,34 га (шундан: 0,34 га “Гуллобод-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 629-контуридан туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев